Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН ◆ 11 февраль 1971 йил, пайшанба ✦ № 35 (14.805). ✦ Баҳоси 2 тийин.

ҒОЛИБЛАР РАПОРТИ

Қамаши районидаги Ленин номли колхоз тайёрлов пунктларига 251 центнер сўким ва бўрдоқи гўшти топшириб, ярим йиллик планни муддатидан илгари адо этди. Шунингдек, «Фарғона» совхози коллективи ҳам олти ойлик топшириқни бажарди. Ҳар икки хўжалик чорвадорлари партиямизнинг XXIV съездини йиллик планни февраль ойида бажариш билан кутиб олиш учун курашмоқдалар.

М. ЭСОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МУСОБАҚАНИ ТОБОРА ҚИЗИТАЙЛИК!

ЮКСАК МУКОФОТ

Совет фанини ва янги техникани ривожлантиришда давлат олдидаги ғоят катта хизматлари, зўр илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Фанлар академиясининг президенти, академик Мстислав Всеволодович Келдишни учинчи «Урок ва Болға» олтин медали билан мукофотлади. (ТАСС).

ҚАЛДИРҒОЧ ҚУРИЛМА

Тошкентдаги «Подъёмник» заводида 10 тоннали кўприк кранлари учун балкалар ишлаб чиқарувчи механизациялаштирилган поток линия синовдан ўтказила бошланди. Ана шундай кранлар учун дастлабки 15 та кўприк тайёрланди.

Ишга солинаётган бу поток линия Европа қитъасида ҳам ягонадир. У оғир саноат бўйича Бутииттифоқ лойиҳа-технология институти лойиҳаси асосида яратилган. Линия 2 минг квадрат метр майдонни эгаллайди, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган, пайвандлаш сифатини назорат қилиш учун эса саноат рентген қурилмасидан фойдаланилади.

Поток линия фойдаланишга топширилгач, «Подъёмник» заводи электр кўприк кранларини ишлаб чиқаришни деярли уч марта кўпайтириш имконига эга бўлади. Бу кранлар эса ҳозир жуда харидоргир бўлиб қолган. Тошкент маркази кўйилган кранлар Туркия, Сурия, Яман, Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа ҳорижий мамлакатларда ҳам ишлаб турибди. Унинг буюртмачилари йил сайин кўпаймоқда.

Янги поток линия меҳнат унумдорлигини кўтариб, ишни механизациялаштириш даражасини икки баравар оширади. «Подъёмник» заводидаги бу поток линия республикамиздаги қалдирғоч қурилмадир. Тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида Ўзбекистон саноат корхоналарида шунга ўхшаш поток линиялардан 260 таси ишга туширилди.

АНДИЖОНДА БИРИНЧИ

АНДИЖОН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилган Хўжаобод райони паррандабоқарлари Андижон областида биринчи бўлиб тухум тайёрлаш квартал планини бажардилар. Давлатга 700 минг дона тухум топширилди. Райондаги Киров номли боғдорчилик совхозининг паррандабоқарлари эса тухум тайёрлаш ярим йиллик планини уддаладилар.

А. ҚУРОНБОЕВ.

КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди шарафига ўзаро мусобақа кун сайин кучайиб бормоқда. Андижондаги «Электроаппарат» заводининг пешқадам ишчиси Деҳқон Тожибоев (юқоридаги суратда) шу кунларда 1972 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Пастдаги суратда эса Тошкентдаги пилла қайта ишлаш фабрикасининг техника назоратчиси Ина Аҳмедованн кўриб турибсиз. У етти йилдан буён маҳсулот сифатини янада яхшилашга ҳисса қўшиб келмоқда.

Фото лавҳалар

Бухоро районининг деҳқонлари кўклам экишига яхши тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар тупроқнинг шўрини ювиш, ерда нам тўплаш ва техникани ремонт қилиш ишларига катта эътибор беришяпти. Суратда: райондаги «Маданият» колхозида ерга яхоб берилмоқда.

В. Сироткин ва А. Тўраев фотолари.

БЕШ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ

Партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари колхозни бошқаришимизда, ички резервларни қидириб топиш ва уларни ишга солишимизда асосий қурол бўлди. Биз барча колхозчиларнинг бутун диққат-эътиборини съезд ва пленумлар қарорларини тўла-тўкис бажаришга, қишлоқ хўжалигини тинмай юксалтиришга, пахта етиштиришни тобора кўпайтиришга, ҳосилдорликни йил сайин ошириб боришга қаратдик. Аввало деҳқончилик маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилди. Бойлик манбаи бўлган ер қадрланди ва эъзозланди. Колхозчиларимиз тупроқни обтобида чуқур ишлашни бош вазифа қилиб олишди. Агротехника тадбирлари юксак талаблар даражасида амалга оширилди.

Аму—Бухоро машина каналининг биринчи навбати ишга туширилгандан кейин областимизнинг колхоз ва совхозлари сувга ёлчиб қолди. Биз каналдан етарли даражада сув олиб турибмиз. Бунинг натижасида ернинг зарарли тузларини яхшилаб ювиб йўқотиш, экин майдонларини кишки яхобга тўйдириш, ёзда ғўзани қондириб суғориш имкониятига эга бўлмоқдамиз. Сувдан доим тежаб-тергаб фойдаланяпмиз. Шўр вақтида йўқотилаётганлиги, сизот сувининг кўтарилишига имконият берилмаётганлиги сабабли тупроқнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланмоқда. Давлат томонидан тўхтовсиз етказиб берилаётган минерал ўғит тупроқнинг унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда, унинг кучига куч қўшмоқда. Химиявий препаратлар қишлоқ хўжалик зараркунандаларини қириб ташлашда деҳқонларимизга мадад беряпти. Қаттиқ шамолнинг, тошқин сувининг ер бетини ялаб кетишига йўл қўйилмаяпти.

Биз деҳқончилик ишларида қудратли техникага тўла суяняпмиз. Ер ҳайдаш, тупроқни эрта баҳорда юмшатиш, экин қатор ораларини ишлаш батамом машиналар зиммасига юклатиляпти, ҳосилнинг йил сайин кўпроқ қисми агрегатлар билан териб олиняпти. Бу эса йиғим-терим мавсумини кескин қисқартириш, пахтанинг асосий қисмини совуқ тушгунча йиғиштириб олиш, давлатга қўпроқ юқори сифатли маҳсулот топшириш имкониятини бермоқда. Етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмасдан, барвақт саранжом-саришталаб олиш йўли билан навбатдаги ҳосилга эрта муддатларда тайёргарлик кўриб қўймоқдамиз. Ер энг қулай вақтларда шудгор қилиб қўйилаётганлиги туфайли тупроқ донадор бўлиб кўчмоқда, унумдорлиги ошмоқда, баҳорги дала ишларининг ҳажми анча камайяпти. Чигит қисқа вақт ичида экиб ва қийғос ундириб олиняпти.

Колхозчиларнинг фидокорона меҳнатисиз бундай катта ишларни бажаришни сира тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Ҳар бир ишда деҳқонларимизнинг қўли бор. Техника қувватидан моҳирлик билан фойдаланиб, ерни меъёрига етказиб ишлаётганлар ҳам, пахта ҳосилдорлигини оширишнинг барча воситаларини ишга солиб, агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, бойликка бойлик қўшаётганлар ҳам қули гул колхозчиларимиздир. Уларнинг ақл-идроки нималарга қодир эканлиги ҳар бир ишда сезилиб турибди. Дала ишларини бажаришда кўп янгиликлар яратилди, ташаббускорлар сафи кенгайяпти. Ана шундай колхозчилар ўз вақтида рағбатлантириб борилди. Уларга бажарган ишларининг миқдорига, сифатига ва мураккаблигига қараб ҳақ тўланди. Бу эса одамларнинг руҳини кўтарди. Ғайратига-ғайрат қўшди, ҳаммани фидокорона меҳнат қилишга, колхоз экономикасини янада мустаҳкамлаш учун муносиб ҳисса қўшишга отлантирди.

Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати юксак самара берди. Саккизинчи беш йиллик юқори кўрсаткичлар билан якунланди. Ҳисоб-китоблар пахта етиштириш йил сайин кўпайиб борганлигини, ҳосилдорлик муттасил ошганлигини, давлатга асосан юқори сифатли маҳсулот етказиб берилганлигини кўрсатди. Масалан, колхозимиз 1966 йилда давлатга 4030 тонна пахта сотган бўлса, 1970 йилда 5691 тонна «оқ олтин» етказиб берди. Саккизинчи беш йилликда пландаги 21176 тонна ўрнига 24643 тонна қимматбаҳо хом ашё топширилди. Бу пахтанинг 85-90 процента биринчи сортларга қабул қилинди.

Азамат, уддабурон, меҳнатсевар деҳқонларимиз пахта етиштиришни кўпайтиришга асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришишди. Ўтган беш йилликнинг дастлабки йилларида гектаридан 16-18 центнердан ҳосил олиб келинган бўлса, бултур 1755 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан ошириб ҳирмон кўтарилишига эришдик. Айрим илғор бригадаларимиз ундан ҳам юқори ҳосил олишди. Чунончи, Ғойиб Ярашев бошлиқ бригада 85 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 40 центнердан, Убайдулла Абдуллаев бошлиқ бригада 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 41 центнердан, Даврон Ҳамроев бошлиқ бригада 36 центнердан «оқ олтин» топширишга муваффақ бўлди. Бу пешқадам бригадаларда саккизинчи беш йилликда ҳосилдорлик гектар бошига 13-15 центнер ортди.

Хўжалигимизда алмашлаб экишни кенг жорий этиш, ерга дам беришда, тупроқнинг структурасини яхшилашда, унумдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Биз тўққиз далали алмашлаб экиш схемасини қўлланяпмиз. Бир далага маккажўхори ёки сабзавот, уч далага беда экамиз, беш далада пахта етиштиряпмиз. Туриш муддати тугаган бедапоя учинчи йил ёз ойи охирларида ёки куз бошида бузилиб, баҳорда чигит экишга тайёрлаб қўйилади. Ҳайдаб қўйилган бедапоя эрта кўкламда чуқур ва майин юмшатилиб, уруғ ташланади. Шунгача беда илдизлари чириб улгуради. Бузилган бедапоя ўрни ориқ ерлар ҳисобига тўлдирилади. Ҳозир 300 гектар бедапоямиз бор. Бу ернинг ҳар гектаридан 100-110 центнердан пичан ўриб олмоқдамиз. Шу билан бирга, бу майдонларда пахтадан ҳам мўл ҳосил оляпмиз. Аввалги йили бузиб чигит экилган 50 гектар эски бедапоянинг ҳар гектаридан бултур 42,3 центнердан пахта йиғиштирилди олдик.

Қишлоқ хўжалик экинларидан олган даромадимиз йилдан-йилга ошиб боряпти. Беш йилликнинг дастлабки йили — 1966 йилда пахтадан бир ярим миллион сўм атрофида даромад қилиниб, колхозчиларнинг ҳар бир меҳнат кунига бир сўм 85 тийиндан пул тақсимлаб берилган бўлса, бултур пахтадан олган даромадимиз 3 миллион 165 минг сўмни ташкил этди. Деҳқонлар ва чорвадорларимизнинг ҳар бир иш куни эвазига ўртача 4 сўм 20 тийиндан пул тегажаги маълум бўлиб қолди. Ғойиб Ярашев, Даврон Ҳамроев, Убайдулла Абдуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ҳар бир иш куни ҳисобига 7,5-8 сўмдан пул олишади. Олтибой Ҳасанов оиласига 8,5 минг сўм, Шариф Худоев оиласига 5,5 минг сўм, Нор Ҳотамов оиласига 7 минг сўм, Нуриддин Қурбонов, Раҳмон Имомов ўртоқларнинг оилаларига 6-7 минг сўмдан пул тегади.

Ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиб-териб олишда механик-ҳайдовчиларимиз жонбозлик кўрсатиб ишлашди. Оқибат натижада машина гериминнинг ҳажми йилдан-йилга кенгайиб борди. Саккизинчи беш йилликда 9 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин», «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Ўтган йили бу соҳада самарали натижага эришдик. Беш йилликнинг якунловчи йилида 2500 тоннага яқин пахта пўлат этаклардан тўкилди. Бу пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга топширилди.

Колхозимиз машина терими туфайли 30 минг сўм тежаб қолди. Беш йил ичида механизациялашган теримдан қилинган тежам 324 минг сўмни ташкил этди. Бу эса колхоз экономикасини мустаҳкамлашда, колхозчиларга мўлжалдагидан анча ортиқ пул тақсимлаб беришда катта роль ўйнади.

Бўлинмас фондга қўйилган даромад янада кўпайди. 1970 йилда олинган даромаднинг 30 процента бўлинмас фондга тушди. Катта-катта қурилишлар бўляпти. Колхоз қишлоқларининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Эришилган ютуқлар муваффақиятларимизни янада кўпайтириш учун курашга, колхоз шуҳратини тағин ҳам ошириш учун ҳамма чораларни кўришга чорлайди. Тўққизинчи беш йиллик планни тузишда биз ана шуларни назарда тутдик.

Бу улуғвор вазифанинг муваффақиятли бажарилишига эришиш учун ички резервлар кўпроқ ишга солинади, тўла алмашлаб экиш схемасига ўтилади. Деҳқонларнинг ташаббускорлиги тағин ҳам оширилади. Улар томонидан яратилган ҳар бир янгилик қўллаб-қувватланади ва кенг оммалаштирилади. Пахта етиштиришнинг прогрессив усуллари ишлаб чиқаришга тағин ҳам дадил жорий этилади. Қишлоқ хўжалик техникасидан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланилади. Ҳар бир ишда фан ютуқларига, агротехникага тўла таяниб иш кўрилади. Чигитнинг юқори ҳосилли, тезпишар ва вилтга чидамли навларини экамиз.

Янги беш йилликнинг дастлабки йили юки ҳам улкан. Бу беш йилликда ҳосилдорликни гектар бошига 32 центнерга етказиш, давлатга 6500 тонна «оқ олтин» топириш, ялпи маҳсулотнинг камида 3800 тоннасини «зангори кема»лар билан териб олиш ҳақида сўз берганмиз. Янги ҳосилга тайёргарлик ишлари кузаёқ бошлаб юборилди. Барча пахта майдонлари чуқур шудгор қилинди ва текисланди. Ҳозир яхоб бериляпти.

Тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари тез суръатлар билан ремонт қилиняпти. 20 та ҳайдов ва 70 та чопиқ трактори, 20 плуг, 25 сеялка, 400 та комплекс борона кўклам дала ишларига барвақт тахт қилиб қўйилади.

Коллектив хўжалигимизнинг истиқболи порлоқ. Пахтакорларимиз ўз ваъдаларига вафодор. Планларимиз реал, йўлимиз равон. КПСС XXIV съезди шарафига олган социалистик мажбуриятимизни тўла ва ошириб бажариш учун ғайратимизга-ғайрат қўшиб ишлаймиз, съездга муносиб меҳнат совғаси тайёрлаймиз.

С. ҒАНИЕВ,
Бухоро область Қоракўл районидаги «Москва» колхозининг раиси.

С. ЗИЕВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

С. СОБИРОВ,
колхоз бош агрономи.

ТРАКТОРСОЗЛАР АҲДИ

Тошкент трактор заводи ишчилари партиямизнинг XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, кунлик топшириқларни ошириб бажармоқдалар. Бу борада, айниқса заводдаги рационализатор ва ихтирочиларнинг олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Улар ўтган беш йилликда ишлаб чиқаришга 720 ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини жорий этдилар ва корхонанинг 830 минг сўмдан кўпроқ маблағини тежаб қолишга эришдилар.

Ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича белгиланган беш йиллик план муддатидан ўн бир ой олдин шараф билан бажарилди. Биргина ўтган йилнинг ўзидаёқ А. Мустафоев, С. Тоиров, В. Будилин, Х. Нуруллаев, Н. Ҳайриддинов сингари ихтирочиларнинг таклифлари билан бир неча юз минг сўм иқтисод қилиб қолинди.

Завод инженери С. Ромалис ишлаб чиқариш ва технологияни такомиллаштириш, металларни тежашга оид 25 та рационализаторлик таклифи киритди ва заводга 20 минг сўм фойда келтирди. Электрослесарь Ш. Каримов, слесарь А. Ёрматов ўртоқлар ҳам 5—6 тадан таклиф киритиб, заводнинг бир неча минг сўм маблағини иқтисод қилдилар.

Тошкент тракторсозлари Павлодар трактор заводи ишчилари билан мусобақадош. КПСС XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида мамлакатимиздаги илғор корхоналарнинг коллективлари бошлаб берган қимматли ташаббус тошкентлик машинасозларни ҳам янги меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди. Улар ана шу ташаббусга жавобан янги беш йилликнинг биринчи йилида 300 тонна металл, 400 тонна ёқилғи ва ихтирочилик таклифларини жорий қилиш орқали 240 минг сўм маблағ тежаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар.

Б. АКСАНИЧ.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

Ульянов райони чорвадорлари Қашқадарёда биринчи бўлиб давлатга ғўшт сотиш биринчи квартал планини ошириб бажарган эдилар. Қосон райони чорвадорлари ҳам катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлат пунктларига пландаги 353 ўрнига 405 тоннадан ортиқ сут етказиб бериб, биринчи квартал топшириғини адо этдилар. Ульянов номли, «Партия XXIII съезди» колхозлари, «Қорақум» наслчилик заводи чорвадорлари район сут тайёрлаш планининг бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Район чорвадорлари партиямизнинг XXIV съезди очиладигач кунгача тўрт ойлик сут тайёрлаш планини бажариш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг мухбири.

17 апрель—коммунистик шанбалик куни

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Пойтахтимиздаги 1-вагон ремонти депосининг коллективи КПСС XXIV съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш юзасидан бошланган мусобақага қўшилиб ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Ремонтчилар тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида 907 пассажир вагонлари ва 1200 юк ташиш контейнерларини капитал ремонтдан чиқаришлари керак. Улар биринчи квартал топшириғини муддатидан анча илгари съезд очиладиган кун арафасида бажариб планга қўшимча 5 минг сўмлик иш қилишлари керак. Бу йўлда коммунистик меҳнат коллективи номини олган Б. Сафин бошлиқ ғилдирак, М. Дўсимбетов бошлиқ автоаппарат, И. Поверин бошлиқ контейнер ремонти цехларининг ишчилари бошқаларга намуна кўрсатишяпти.

— Москвадаги Ленин комсомоли номли автомобиль заводи ишчи ва хизматчилари 17 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақида ватанпарварлик ташаббуси билан чиққандилар. — дейди депо партия ташкилотининг секретари Ўткир Содиқов, — биз ҳам бу чақириққа қўшилдик. Шанбаликда корхонамизнинг 902 ишчи, инженер-техник ходимлари иштирок этишади. Шу куни икки пассажир, 20 юк ташиш вагонлари, 46 контейнер тўла ремонтдан чиқарилади. Депомиз ҳовлисига юз туплан ортиқ турли манзарали дарахтлар ўтказилади. Шанбаликдан тўпланган маблағни беш йиллик фондига жўнатамиз.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзоси.

Суратда: Депонинг илғор ишчиларидан (чапдан ўнгга): Ю. Сидоренко, депо партия ташкилотининг секретари У. Содиқов ва ишчилар Қ. Қурбонов, А. Башаров, Н. Ефремов ўртоқлар келгуси режалар ҳақида суҳбатлашишяпти.

Автор фотоси.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ҲАМИША АВАНГАРД

Самрқанддаги «Красний двигатель» заводининг 5-цехи ишчилари жонажон партиямизнинг бўлажак XXIV съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин авж олдириб, квартал планини муддатидан аввал бажариш учун астойдил курашаётирлар. Суратда: шу цехнинг илғор ишчиси Л. Куфанадеждина ва мастер, КПСС аъзоси Раҳмон Ражабов тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда. В. Сиротнин фотоси.

БРИГАДИР

Аёл!
Эзгуликнинг тирик ҳайкали мисол.
Уртага чиқ, кўрсат қадоқ кўлингни.

Ёш шоиранинг ушбу сатрлари Зийнат опани ёдимга солди. Келишган, барваста бу аёлнинг эзгулик йўлида қилган ва яна давом эттираётган меҳнати ҳақида, яратувчан қўллари ҳақида ўйлай бошладим. Ҳа, унинг қўллари қадоқ, айни пайтда юмшоқ ва майин. Ҳар қандай юмушдан бўйин товламаган, бировдан меҳрини аямаган кишининг қўллари ана шундай бўлади. Олдиндан айтиб қўя қолай, Зийнат опанинг покиза виждони, тинибтинчимас қалби, ҳавас қилгудек иродаси бор.

...Ўша учрашувда Зийнат опанинг самимий сўрашиши, кўзларида катта ҳаёт мазмунининг жилваланиб туриши, муомаласининг илиқлиги у билан суҳбат қуришга чорлади.

Қизиқ, баъзилар билан гаплашсанг, худди яхши бир китоб ўқиб чиққандай баҳра оласан, нималарнидир билиб оласан. Зийнат опанинг суҳбати ҳам мазмунли эди. У давримизнинг бахтиёр, онгли деҳқони ҳақида, партия ва ҳукуматимизнинг пахтакор учун, пахта учун қилаётган ғамхўрлиги ҳақида, ишнинг кўзини билган деҳқон учун омаднинг кулиб боқиши ҳақида берилиб сўзларди.

Шуниси борки, Зийнат опа ўзи ҳақида гапиришни ёқтирмайди. Меҳнатини миннат қилмас, катта гапириб мақтанмас экан. Барибир, мухбирга аниқ факт керак, саволига жавоб олмагунча қаҳрамонининг ёнидан кетармиди?!

Зийнат опа Қашқадарё областининг Қарши районидаги Энгельс номли колхозда бригадир. Ўттиз йилдан бери шу колхоз даласида яйраб, қўшиқ айтиб, гоҳ офтобда қуйиб, гоҳ изғиринда дийдираб, гоҳ илиқ шаббодада ҳузур қилиб пахта етиштириб келмоқда. Ҳар бир ишга куйди-пишдилиги, пахта тилини яхши тушуниб, ҳеч қачон қийин ишдан нолимай меҳнат қила олгани учун бригадирликка кўтаришди.

— Агар мени шу ишга муносиб кўрган бўлсаларинг, майли, ишончингларни оқлашга уринаман, — деди у. — Лекин менга колхозимиздаги энг судралиб қолган бригаданн беринглар. Олдингга етаклашга ҳаракат қилай, ишни бошидан бошлай. Илғор бригадани қўлга олиб, бу соҳада ҳали тажрибам йўқ, тағин обрўсига путур етказиб қўймай...

Шундан сўнг Зийнат опа енг шимариб ишга киришиб кетди. Бригада аъзоларининг дилидагини билиб олишга ҳаракат қилди. 50 кишининг ҳар бирига энг яқин маслаҳатгўй, жонкуяр бўлди. Ерни чўқур шудгор қилишдан тортиб, ҳар бир гектарига солинадиган ўғитнинг бир граммн ҳам кам бўлмаслигига ўзи бошчилик қилди. Гапнинг қисқаси, катта матонат, чидам, куч ва ғайрат билан қолоқ бригаданинг «оғир қўллари»дан тутиб, олдингга етаклай бошлади. 1968 йили ҳосилдорликни пландаги 25 ўрнига 35 центнерга олиб чиқди. 1969 йилда 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 44 центнердан пахта топширди. Ўтган йили эса колхозда рекорд кўрсаткичга, яъни 58 центнерлик маррага етиб келди. Доҳий юбилейи йилида у кўзлаган маррасига эришди. Беш йилликнинг якунловчи йилига муносиб ҳисса қўшди.

— Қандай қилиб ҳосилдорликни кескин ошириб юборингиз? — сўрадим Зийнат опадан. У жиддий ўйга толди. Кенг пахтазорини, одамларни кўз ўнгига келтирди, шекилли, чеҳраси ёришиб, жилмайиб сўзлай бошлади:

— Бригадир далада кунига бир маҳал кўриниб барча ишни табелчига топшириб қўйиб, юраверишн ҳам мумкин. Лекин бунда олдинга силжиш қийин. Аввало, бошлиқ масъулиятни чуқур ҳис қилиши керак. Ҳар куни эртадан кечгача, ҳар бир ишда бригада аъзоларининг ёнида бўлиши, ҳар бир қийин ишда ўзи ташаббус кўрсатиши, одамларнинг қувончини ҳам, ташвишини ҳам кўзларидан сезиб олиб, ана шунга яраша муомалада бўлиши керак. Бригадирнинг қўли ишдан бўшамаслиги лозим. У ҳам сувчи, ҳам механизатор, ҳам агроном, ҳам ташвиқотчи, ҳам вақти келганда онадек меҳрибон, отадек тадбирли бўлиши керак. Бу лар ҳам оз, — қўшиб қўйди Зийнат опа, — бригадир ҳар куни ўқиши, партия қарорларидан батафсил хабардор бўлиши, янгиликларни билиб бориши ва билганларини ишига ва ҳаётга татбиқ қилиши талаб этилади. Бригадирга қараб одамларнинг ғайрати ошиши мумкин..

Кейин Зийнат опа менга бригадасидаги тракторчилар Иброҳим Норов, Раҳмонжон Султонов, илғор хотин-қизлардан Мунаввар Ражабова, Зуҳра Барноева, Зубайда Авазова, сувчилардан Матмурот Қиёмов, Саид Қўлдошев кабилар ҳақида алоҳида ғурур билан гапириб берди. — Булар асл пахтакорлар, жуда яхши ишлашади, — деб қўшиб қўйди.

— Теримчи механизаторлар йўқми?

— Йўқ, — деди Зийнат опа, — бизнинг бригада 70 гектар майдонда уруғлик ипак пахта етиштиради Шунинг учун пахтани авайлаб, жуда сифатли қилиб, қўлда териб оламиз.

Коммунист Зийнат Тошеванинг шу кунларда иши жуда кўп. У ерни баҳорги экишга сифатли тайёрлаб қўйиш ва бошқа бир қатор ишларни муддатидан олдин бажаришга аҳд қилган. Демак, Зийнат Тошеванинг бригадаси барча қаторн партиямизнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш. бу йил ҳар гектар ердан 60 центнердан уруғлик ипак пахта етиштириш ҳаракатида.

Зийнат Тошева ишда барчага ибрат кўрсатиш билан бирга оилада ҳам у ажойиб она, қўли гул бека. У келини Робияхонни ўз қизидан аъло кўради. Робияхон Зарипова тиш доктори. Зийнат опанинг ўғли Омон эса алоқачи инженер, ҳозир у ҳарбий хизматда. Қизи Рисолат Қарши педагогика институтида ўқийди. Кенжатойи мактабда. Зийнат опа ҳаётидан мамнун. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. Халқ хизматкори.

Ҳа, меҳнатни улуғлаган киши ана шундай яшайди, халқнинг катта ишончига сазовор бўлади.

Санъат МАҲМУДОВА.

ЯНГИ МАРРАЛАР

Бекобод районидаги 1- «Далварзин» совхозининг 4-бўлими бригадаси бошлиғи Найимжон Ғозиев бригадаси фаолиятини ибрат қилиб кўрсатса арзигулик. Чунки ўтган йили совхоз дирекцияси, партия ташкилоти ва колхоз ишчилар комитети ғўза парваришини текширишдан ўтказганда Найимжон Ғозиев бригадасини мусобақа голиби деб топган эди. Коммунист Найимжон Ғозиевга «Социалистик мусобақа зарбдори» деб ёзилган кўл соати ва пул мукофоти берилди.

Шу кеча-кундузда коммунист бошчилигидаги бригада аъзолари барча қишлоқ хўжалик машиналари ва агрегатларни кўклам мавсумига шай қилиб, сифатли ремонтдан чиқаришди. Партиннинг яқинлашиб келаётган XXIV съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилган бригада аҳли янги марраларни кўзлаб пешқадамлар сафида бормоқда.

У. ҚУРБОНОВ.

Коммунистлар ҳақида ҳикоя қиламиз

* *

60 центнерли маррани кўзлаб

* *

Ишлаб чиқариш илғорлари

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ИБРАТ КУЧИ

Чимбой районидаги «Кенес» совхози йирик пахтачилик хўжаликларидан ҳисобланади. 11 та цех партия ташкилоти ва 29 та партия группасини бирлаштирган совхоз партия комитети коммунистларнинг ишлаб чиқаришда ибрат кўрсатишига алоҳида эътибор берялти. Шунинг учун ҳам совхоз ўтган йили давлатга пахта сотиш планини 140 процент адо этди. Совхознинг 6 та бўлими, 25 та пахтачилик бригадасига коммунистлар бошчилик қилади.

Шу кеча-кундузда совхоз коммунистлари бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш мақсадида қизғин иш олиб бормоқдалар. Партиямизнинг бўлажак XXIV съезди шарафига социалистик мусобақани кундан-кунга авж олдирмоқдалар.

У. ТУҚИМБЕТОВ.

* * *

Янкабоғ районидаги «Коммунизм» колхози аъзолари партия ташкилоти раҳбарлигида қувончли ютуқларни қўлга киритаётирлар. Шуни айтиш кифоя, ўтган беш йилда давлатга пахта, дон, полиз маҳсулотлари, сабзавот, гўшт, сут ва пилла топшириш давлат планлари ортиғи билан адо этилди.

Бу муваффақиятларни кўлга киритишда Н. Жавлиев бошчилик қилаётган колхоз партия ташкилоти атрофига уюшган 10 цех партия ташкилоти ва улар ҳисобидаги 86 коммунистнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Чунки уларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида шахсий намуна кўрсатиб, бошқаларни ҳам шунга ундамоқдалар. Шу неча-кундузда колхоз коммунистлари съезд олди меҳнат вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилаётирлар.

М. МУҲАММАДИЕВ.

* * *

Ғоявий фронтнинг жангчиси Д. Мирзаев Пайариқ районидаги 41-санназ йиллик мактабда тарих фанидан дарс беради. Бир неча йилдирки, у ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдек олижаноб ва шарафли касбни пропагандистлик иши билан қўшиб олиб борялти. Шунинг учун ҳам «Партия XXII съезди» колхозининг меҳнат аҳли Д. Мирзаевни фақат педагог сифатида эмас, тажрибали ва моҳир пропагандист сифатида ҳам яхши билишади, ҳурмат қилишади.

Мактаб партия ташкилоти ҳузуридаги марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш тўгарагининг пропагандисти Д. Мирзаев ҳар бир машғулотни жонли, қизиқарли ва кўргазмали ўтказиш учун ҳаракат қилади. У доимо ўзининг сиёсий-назарий савиясини ошириш мақсадида, турли сиёсий адабиётларни тинмай мутолаа қилади. Шунинг учун ҳам пропагандист Д. Мирзаев ҳақида гап очсангиз, унинг тингловчилари «қалби ҳамиша билимга чанқоқ, бизларни ҳам шунга даъват этади» дейишади.

Ҳ. ХУСАНОВ.

ЧУДНАЯНИНГ ШОГИРДИ

Агарда йўлингиз «Оҳангарон» совхозининг 2-бўлим сут-товар фермасига тушса, «Сут булоғини тошираётган ким?» деган сўроғингизга албатта «Коммунист Х. Жаҳоналиева» деган жавобни оласиз.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган ва съезд олди меҳнат вахтасида туриб барчага намуна бўлаётган Х. Жаҳоналиеванинг меҳнат фаолияти мақтовга арзигулик. У ўз қўлидаги 20 бош сигирнинг ҳар биридан 2100 ўрнига 2600 клограммдан сут соғиб олди. Бу совхоз тарихида рекорд кўрсаткич хисобланади. Ҳозир соғин сигирлар сонини 210 бошга етказиш, ферма бўйича ҳар бир сигирдан 2500 килограммдан сут соғиб олишга қарор қилган Х. Жаҳоналиева яқинда «Красний водопад» тажриба станциясида бўлиб, машҳур сут соғувчи Анастасия Чуднаянинг тажрибасини ўрганиб қайтди. Билганларини ёш сут соғувчилардан Н. Жуманқулова, Б. Оллобердиевалар билан баҳам кўрмоқда.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

АЗИЗ ЕР

Оламда бир нарса — она-ер ҳамиша сергак, уйғоқ бўлса керак. Сиз ерга қулоқ солинг-а. Юраги гурс-гурс уриб, чуқур нафас олмоқда. Ҳар гал нафас олишида табиатдаги не-не нарсаларни бағрига олиб, сингдириб, миллиард ўсимликларни ниш урдириб, миллиард булоқларнинг кўзини очмоқда. Беҳисоб бошоқлар тебраниб, бир олам гуллар баргини ёзмоқда. Буларнинг барчасини ҳатто юзаки санаш учун ҳам талайгина вақт керак. Хуллас, ернинг тақдири Ватан, халқ тақдири билан муштаракдир. Она-ернинг тақдирига ҳар бир фарзанд, биринчи навбатда коммунистлар жавобгар. Бу жавобгарлик ҳисси дилдан дилга ўтаверади. Ҳаёт абадий, ер ҳам азалий ва абадий. Ер оламдаги мавжудотнинг улкан фильтри. Ер остидаги маъданларни инсонга мўмиёйй асл-дек етказиб беради. Ҳар бир инсон учун ер она бўлиб қолаверади. Номард ва кўрнамак одамгина онасини ўкситади.

Колхозимиз ҳам она-Ватанинг бир ҳужайраси. 30-йиллардаги кичкинагина колхозимиз пахта майдони 2000 гектарли, 6590 тонна хирмон кўтарган, қарийб 5 миллион сўм даромад оладиган манаман деган колхозлардан бирига айланди.

Ер юзини эр, эр юзини ер очаркан. Колхозимизни аксилинқилобчилар, фашист газандалари ҳуружидан муштипар онани асрагандек, асраб қолдик. Ардоқладик.

Ернинг бугунги тақдири ёшларнинг забардаст қўлида. Бу қўллар эса қайрилмас. Таянчли. Ишончли. Колхозимизда ўнлаб ёш коммунистлар бор.

Партия Уставида айтилганидек, партия аъзоси коммунизм қурилишининг олдинги сафларида бўлиши керак.

Бу-ку ҳақиқат. Бугунги деҳқоннинг аксарияти коммунист. Ер ҳақидаги тажриба, илмни, фан-техника ютуқлари билан чатиштириб юбориш керак. Деҳқонга тайёр андоза йўқ. Ҳар бир қарич ернинг илми бор. Деҳқон унга ўзи ижодий ёндошиши керак. Ҳар бир янгиликнинг этагидан тутиши зарур.

Биргина мисол. Усмонали Рўзиматов: 1935 йилда туғилган, ёш коммунист. Бригадани бошқараётганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Янгилик ихлосманди. Изланувчан. Бригаданинг ери 60 гектар. Фарғона—Қува йўлидаги адр ёнбошида, Жанубий Фарғона канали этагига жойлашган тошлоқ ердан «С60-30» навли ингичка толали пахтадан 35 центнердан, «Тошкент-1» навидан эса 47 центнердан ҳосил олди. Бригадада 9 коммунист бор. Илғор сувчи Абубакир Тошбоев кабилар бригадада ўнлаб топилади. Усмонали каби ёшларимиз эса колхозимизда юзлаб.

Биз ёшларнинг меҳнатига, ташаббусига, илмнинг этагидан тутишига, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ерни ардоқлаб юқори ҳосил олишига баҳо берганимизда, беҳтиер, дилдилимиздан бир севинч, ажойиб ҳис қуйилиб келади. Бу ернинг тақдири ҳақидаги ҳислардир. Ернинг тақдири эса Усмонали каби коммунистларимизнинг иродали қўлида. пўлат интизомида, оташин юрагидадир.

М. УМРИДДИНОВ,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони.
Қува районидаги «Коммунизм» колхози.

ИХЛОС

ЛАВҲА

Абдукарим қурувчиларнинг олдига етиб борди-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Тўрт-беш киши ғишт тахлаяпти. Дурадгорлар билан арматурачилар урилаётган девор атрофида ивирсиб юришибди. Беш-олти киши бетондан чиққан қийтиқ тахталардан гулхан ясаб, атрофига ўтириб олган. Улар орасида бригада бошлиғи Тўйчивой ака Аҳмадбоев ҳам бор. Қовоғи солиқ.

Бинокорлар баланддан келганни ёмон кўришади. Абдукарим пальтосининг ёқасини туширди. Бригадада илгари бунақа кўнгилсизликни учратмаган эди. Улар билан яқиндан ишлаяпти. Шу қисқа муддатда ҳам аймоқилашиб кетди. Коттедж уйларни қуришда Тўйчивой аканинг коллективи чакана ишламаяпти. Раҳим Ғафуров, Слава Юдиев, Галя Балаура кабилар йилдан ўзиб кетишган.

— Ҳормангмисан?

— Ке-линг.

Кимдир шунақанги чўзиб гапирдики, унга ана шу бекор ўтиришимизда сизнинг ҳам хизматингиз бор, дегандек туюлди.

— Кечқурун совуқ бўлди, — деди Абдукарим.

— Агар шу кетишда кетса гулханга ўтин етмайдиганга ўхшайди. — Тўйчивой ака ер чизди. — Қоришмани ҳалиям юборишмади. Бир соатдан бери бекор ўтирибмиз.

Прораб Тўйчивой аканинг одатини анча тушуниб қолган. Жуда меҳнаткаш одам. Ҳар қандай оғир кунга туриб беради. Лекин ишда етишмовчиликка тоқати йўқ.

Абдукарим Тўйчивой акани қўлтиқлади-да, қурилаётган уй томонга бошлади.

— Кеча хабар олган эдим. Қоришма тайёрловчиларнинг машиналари совуқдан яхши ишламаётганмиш. Иссиқ сув етказиш қийин. Ҳадеб гина қилаверсак, оғир ботар. Қоришма келгунча қараб ўтирамизми? Қиладиган ишимиз кўп. Уйнинг ҳовлиси атрофига олинадиган деворга пойдевор қазиш керак. Чиқинди кетадиган трубалар ётқизиладиган жой ҳам тайёр эмас, — Абдукарим чизмаларини олди-да, иш ўринларини кўрсата бошлади...

Тўйчивой акага Абдукарим Султоновнинг маслаҳати маъқул бўлдими, бирпас жим қолди.

— Энди ҳар хил ишга қўл ураверилса унуми бўлмайдими, дейман-да. Болалар жуда диққат бўлишди... Бўлмаса бошладик. У ёғоч қозиқларини Абдукарим белгилаган жойларга қоқа бошлади...

Ҳадемай ғишт терувчилар, лом, белкуракларни олиб ишга тушиб кетишди. Гулханни эслайдиган одам қолмади.

Абдукарим Султонов Тўйчивой акадан кейин Гайдани Зайниддиновнинг бригадасига борди. Сўнг бошқармага қайтди. Ҳамма прорабларни биринчи квартал объектларини фойдаланишга топириш хусусида чақиришган экан.

Одам танҳо қолса, хаёл элтади. У Тошкентнинг кун ботарида коттедж уйлар қураётган мана шу икки бригада аъзоларини ўйлаб кетди. Уларнинг ишга ихлоси жуда баланд. Яқинда катта оилаларбоп 30 уйни қўлдан чиқаришди. Партиямизнинг съездига яна 10 уйни пардозчиларга топширишмоқчи. Топшириқлар ошириб бажарилмаган ой йўқ. Бўлмаса бу қиш бинокорлар учун жуда оғир келди. Совуқ бўшашмаяпти. Саҳар мардонлаб ишга келишади. Арматурага қўл тегизсанг чиппа олади. Лекин уларнинг биронтаси ҳам ўзини четга тортаётгани йўқ. Абдукарим прораб бўлибдики, қайси бригада билан ишламасин планни ошириб бажаради. Одамнинг ҳаммасига хос бир нарса бор. Кўнглига йўл топа билиш керак.

Абдукаримнинг кўз ўнгида қурувчиларнинг гулхан атрофида ўтириши гавдаланади. Жуда ҳаяжонли экан. У қурилиш бошқармасининг «Бинокор» деворий газетаси редактори. Партия аъзолигига ўтгандан буён бу ишни бажариб келяпти.

Иш кўп. Бош қашишга қўл тегмайди. Бир ёқда қурилиш, бир ёқда жамоатчилик топшириқлари. Устига-устак Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетида сиртдан ўқияпти. Юмуш кўп бўлса, одам ҳам ҳафсалалик бўлиб кетаркан. 1959 йили мактабни тамомлаб, «Главташкентстрой»нинг 153-қурилиш трестига қарашли биринчи бошқармага келди. Акаси донгдор комплекс қурилиш бригадаси бошлиғи Раҳим Зияев унга устоз бўлди. Бинокорликни ўрганди. Орада Тошкент қурилиш техникумини тамомлади. Мастер бўлиб ишлади. Энди прораб...

— Не, савдо маркази бекати-ку тушмаймизми, — деб қолди кимдир.

Бу овоз Абдукаримни чўчитиб юборди. У ҳам шоша-пиша тушди-ю, бошқармага қараб кетди.

С. МУҲИДДИНОВ.

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

Цехда иш айни авжига чиққан. Ҳар ким ўз вазифаси билан банд. Қолипчилар қолип ясаб беришяпти. Конвейерда деталлни қуйиш учун тайёр қолиплар оқиб келяпти. Печларда олов ловуллайди. Юзи ширмой кондек қизарган қуювчилар қолиплларга эритма қуйиш билан банд. Кейинги бўлимда қуйилиб совуган деталларни эса бир киши кўздан кечириб саралаяпти.

50 ёшлар чамасидаги барваста гавдали Носим аканинг ишини зимдан кузатиб турдим. Ҳаракатига қараганда Носим акани сира кекса демайсиз. Қўли-қўлига тегмайди. Шу орада бир ёш йигит келиб Носим акадан бир нарса сўради. Бу йигит Носим аканинг шогирдларидан А. Дмитров экан. Устозидан йўл-йўрик олган шогирд яна ишга тушиб кетди.

Носим аканинг қарийб чорак асрлик меҳнат фаолияти шу улкан даргоҳдан бошланган. У бундан 22 йил бурун аскарликдан қайтиб заводга қуювчи бўлиб ишга кирди.

— Қайси касбни танласанг, унга меҳр қўйишинг керак. Меҳр қўйсанг йўлингда дуч келадиган қийинчиликларни енгиб ўтасан, — дейди Носим ака.

Мана 22 йилдан ошдики, касбини доимо улуғлаган Носим ака ўз сўзига амал қилиб меҳнатини эъзозлаб келади. Вақти келганда кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан меҳнат қилди. Шу меҳнати орқасида қадр-қиммат топди, катта обрўга эга бўлди, 1952 йилда завод партия ташкилоти уни Коммунистик партия сафига қабул қилди.

Дарахт соясиз бўлмаганидек, чинакам уста шогирдсиз бўлмайди. Бу давр ичида у юздан ортиқ юқори малакали шогирдлар етиштирди.

Х. Кодиров, А. Домников, А. Дмитров, М. Кас, Р. Екубовлар шулар жумласидандир. Устоз улардан ёрдамини сира аямайди.

— Бригадамиз аъзоларини кўриб қувнайман,— дейди Носим ака Рашидов. — Ота-боболаримиз «бирлашган ўзар» деб бекорга айтишмаган. Биз худди бир оила аъзоларидек ахил, иноқмиз. Ишимизнинг унуми ҳам ҳамжиҳатлик билан қилинаётган меҳнатда деб биламан.

Носим ака тўрт боланинг отаси. Унинг мақсади, болаларни хос ишчи, хос инженер, хос олим бўлсин яхши фазилатли, одобли, жамиятга ҳалол хизмат қилувчи кишилар қилиб етиштиришдир. Коммунист Носим Рашидовнинг кўксини Қизил Юлдуз ордени, «Жасурлиги учун» ва бошқа кўпгина медаллар безаб турибди. Бу орден ва медаллар эгаси Носим ака Рашидов, эл бошига иш тушганда этик билан сув кенган жангчи ҳозир эса донгдор ишчидир.

Ҳ. ОЧИЛОВ,
Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи.

СЪЕЗДДАН — СЪЕЗДГАЧА

ХАЛҚ ХИЗМАТИ ЙЎЛИДА

КПСС XXIII съезди қарорларида таъкидланганидек, маиший хизмат совет кишиларининг хўжалик-маиший эҳтиёжларини тўла қондиришга даъват этилгандир. Шу боисдан ҳам аҳолининг доимо ошиб бораётган талабларини тўла қондириш масаласи Советларнинг кундалик фаолиятида етакчи ўрин эгалламоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг маиший хизматни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини оғишмай амалга ошириш учун курашаётган меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, район ҳамда қишлоқ Советлари ижроия комитетлари, кўп сонли депутатлар бу соҳада диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар. Уларнинг бу йўлдаги кураш ва интилишлари самарасини областимизда кейинги беш йил ичида юз берган ўзгаришлардан, маиший хизмат бўйича беш йиллик план якунларидан ҳам кўриш мумкин.

Кейинги йилларда аҳолига хизмат кўрсатиш салмоқли даражада ўсди. Рақамлар тили билан айтганда, беш йиллик охирига келиб маиший хизмат ҳажми 1965 йилдагига қараганда 2,5 баравар кенгайди. Корхоналар сони 729 тадан 1100 тага, бу соҳада ишлаётганлар эса 2019 кишидан 3200 кишига етди. Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш бўйича эришилган ютуқ қишини қувонтиради. Бу кўрсаткич 1965 йилдаги 3 сўм 69 тийиндан юбилей йилига келиб 7 сўм 07 тийинга кўтарилди.

Маиший хизмат корхоналарининг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Кийимларни қимёвий усулда тозалаш ва ювиш фабрикасига турли хилдаги янги жиҳозлар ўрнатилди, ёғочни қайта ишлаш, пойафзал тикиш, тикувчилик ва пахта титиш цехларига янги юқори унумли машиналар келтирилди. Натижада юбилей йилида ҳар бир ишловчининг меҳнат унумдорлиги 7,5 процентга кўтарилди. Шу билан бир қаторда, маиший хизматнинг янги, прогрессив усулларидан кенг фойдаланила бошланди. Комплекс қабул пунктлари орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Кўчма комплекс қабул пунктлари, ихтисослаштирилган машиналар орқали кенг ҳажмда маиший хизмат кўрсатилаётир. 20 комплекс қабул пункти, 34 ихтисослаштирилган машина жойларда меҳнаткашлардан маиший хизматнинг асосий турлари бўйича чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилмоқда.

Область меҳнаткашлари шу кунда маиший хизматнинг қарийб 50 туридан баҳраманд бўлмоқдалар. Кейинги йилларда аҳоли учун уй-жойлар қуриш ва ремонт қилиш айниқса тез ривожланмоқда. Пахта титиш, мебеллар ясаш ва тузатиш, мураккаб рўзғор асбобларини ремонт қилиш, кийимларни қимёвий усулда тозалаш, бўюмларни ижарага бериш, пойафзал тикиш ва ремонт қилиш ҳажми икки бараварга яқин ўсди. Кўрпа ва кўрпача тикиш, рангли фотография, овоз ёзиш, авторучкаларга сиёҳ тўлдириш, қоғоз халтача тикиш, миллий дўппиларни пресслаш сингари бир қатор маиший хизмат турлари вужудга келди.

Кейинги йилларда кўзга ташланган қувончли ҳоллардан бири шуки, қишлоқ жойларда маиший хизматни кенгайтириш ва шу мақсад учун колхозлар ҳисобидан бинолар қуриш кучайтириб юборилди. Албатта, бу соҳада Советлар алоҳида ташаббускорлик ҳамда ташкилотчилик қилмоқдалар. Чунончи, кейинги 2 йил ичида қишлоқ жойларда 21 та маиший хизмат кўрсатиш бинолари қад кўтарди. Бу эса хизмат кўрсатишни янада кенгайтириш учун муҳим омил бўлмоқда.

Меҳнаткашлар депутатлари Чуст район Совети ижроия комитетининг хизматларини ҳақли равишда тилга олиб ўтиш керак. Районда кейинги уч йил ичида маиший хизмат точкаси 166 тадан 207 тага етди. Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми областнинг ўртача кўрсаткичидан 1 сўм 18 тийин ошди.

Ҳозирги вақтда район қишлоқларида 6 та маиший хизмат уйи ишлаб турибди. Ўртоқ С. Тўйматова раислик қилаётган Варзин қишлоқ Советида аҳолига хизмат кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. Қишлоқ Совети территориясида жойлашган маиший хизмат уйида ўз ишига моҳир кишилар меҳнат қилишади. Бу ерда хизматнинг 5 тури жорий этилган. Бу Фрунзе номли колхоз аъзолари, айниқса аёлларни кўпгина рўзғор юмушларидан озод бўлишига имкон берди.

Умуман, ўтган беш йил ичида қишлоқ Советида маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 3 баравардан зиёд кенгайди. Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг ўтган йилнинг апрель ойи охирларида бўлган йиғилишида Варзин қишлоқ Совети ижроия комитетининг аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишдаги намунали фаолияти алоҳида таъкидланди ҳамда унинг тажрибасини оммалаштириш юзасидан махсус қарор қабул қилинди.

Шу райондаги ўртоқ Ҳ. Мирзафаёзов раислигидаги Ғово, ўртоқ А. Абдуллаев раҳбарлик қилаётган Олмос, Учқўрғон районидаги ўртоқ М. Обидов раислигидаги Норинкапа, шунингдек Наманган ва Янгиқўрғон районларидаги қатор қишлоқ Советлари ижроия комитетлари аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида муҳим тадбирларни амалга ошираётгирлар.

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишини мунтазам назорат қилиб боради. Район ҳамда қишлоқ Советларининг бу соҳадаги фаолиятларига раҳбарлик қилади. Совет сессияларида, ижроия комитет йиғилишларида ва мажлисларида ҳисоботларини эшитади, қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, мавжуд камчиликларни тугатиш йўлларини кўрсатиб беради.

Бундан ташқари, область Совети ижроия комитетининг ташаббуси билан 1970 йилнинг июнь ойида Наманган шаҳрида область маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимларининг уч кунлик конференцияси ўтказилди. Конференция ишида қўшни Андижон ва Фарғона областларидан вакиллар иштирок этишди. Юқорида кўрилган тадбирларнинг ҳаммаси аҳолига хизмат кўрсатишни янада намунали ташкил этишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Афсуски, областимизда бу ишни амалга оширишда хали талай камчиликлар мавжуд. Айрим район ва қишлоқ Советлари ижроия комитетлари маиший хизмат кўрсатиш ишини яхшилашга етарли эътибор беришмаяпти. Масалан, Поп район Совети ижроия комитетининг фаолиятсизлиги туфайли қатор маиший хизмат корхоналарида хизмат кўрсатиш аҳволи талабга жавоб бермайди, белгиланган план ва топшириқлар бажарилмайди.

1969 йилнинг декабрида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС томонидан қабул қилинган махсус қарор мамлакатимиз маиший хизмат ходимлари зиммасига улкан вазифалар юклади. 1971 — 1975 йиллар мобайнида маиший хизмат ҳажмини 1970 йилдагига қараганда 2 — 2,5 марта кўпайтириш кўзда тутилади.

Яқинда область Советининг йиғилишида область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси коллективининг КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун белгиланган тадбирлари тасдиқланди.

Перспектив планга кўра, янги беш йилликда областда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланади. Ҳозирги вақтда область меҳнаткашларининг эҳтиёжи 8 миллион сўмликдан ортиқроқ маиший хизмат кўрсатишни тақозо этади. Бунга эришиш учун маиший хизмат кўрсатиш жараёнларини механизациялаш асосида марказлаштириш йўли билан бу тармоқни ривожлантириш кўзда тутилади. Янги ихтисослаштирилган йириқ фабрика ва устахоналарни вужудга келтириш натижасида хизмат турларини кўпайтиришга эришилади. 1975 йилга қадар қишлоқ жойларда колхозлар ҳисобидан 56 та маиший хизмат биноси қурилади.

Ҳар бир колхоз ва совхозда камида уч-тўрт хил хизмат кўрсатадиган комбинат ташкил қилинади. Кўчма корхоналар иши ҳам қатъий график асосига кўчирилади. Улар малакали ходимлар — бичувчилар, пойафзал ремонти билан шуғулланадиган усталар, фотограф, телевизор, радиоаппаратларни, холодильник, кир ювиш машиналарини тузатадиган механиклар билан таъминланади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, область меҳнаткашлари фаровонлигини янада ошира бориш учун зарур бўлган барча чораларни кўришга интиламиз. Область маҳаллий Советлари партия ташкилотлари раҳбарлигида бу соҳадаги ўз фаолиятларини янги беш йилликда ҳар қачонгидан кўра активлаштирадилар.

Ҳ. ХОЛХОНОВ,
Меҳнаткашлар депутатлари Наманган области Совети ижроия комитетининг раиси.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ТИНЧЛИК МАДҲИ

...Оҳиста музика бошланади. Хор янграйди:

Дард, алам, ташвишлар лабиринтида
Ҳаёт ғовларини йиқиб борамиз,
Фитна, ҳуруж билан ёв ҳўп интилди,
Лекин бузаолмас бизнинг орамиз...

Робертнинг овози тобора кучлироқ эшитилади.

...Бизни турмаларга ташлайдилар. Орқаворотдан келиб ўлдирадилар. Қалбларимизни шикастлайдилар. Аммо шунга қарамай, биз кўпайиб бормоқдамиз! Бизнинг оғзимизни ёполмайдилар! Ҳаммамизни турмаларга ташлай олмайдилар. Мени Америкада қочоқ деб ҳисоблайдилар! Менга суд билан таҳдид қиладилар. Мени отам оқ қилди. Онам менга тириклай аза тутмоқда. Аммо мен қочоқ эмасман! Эшитяпсизларми, одамлар! Ҳеч қачон қочоқ бўлмайман. Мен солдат бўлиб қолдим! Сафда ўз ўрнимни топиб олдим... Топиб олдим...

Янги спектаклда асар қаҳрамонларидан бири, американалик йигит Роберт Брайен ана шундай мардонавор ва кўтаринки хитобнома билан бутун прогрессив инсониятга мурожаат қилади, ер юзида ҳар нарсадан муқаддас тинчликни кўз корачиғидай ардоқлашга чақиради.

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри шонли партиямизнинг XXIV съездига бағишлаб таниқли совет драматурги Анатолий Софроновнинг «Машаққатли йўл» («Лабиринт») номли икки қисмдан иборат драмасини саҳналаштирди. Асарни ўзбек тилига атоқли драматург К. Яшин ва В. Рўзиматовлар таржима қилишган. Ўзбекистон ССР халқ артисти А. О. Гинзбург ва О. Я. Чубайс уни саҳнага қўйди. Рассом И. С. Глазунов асар воқеаларига мос саҳна безаклари яратди. Композитор В. И. Гроховский спектакль руҳига ҳамоҳанг музика ёзди.

«Машаққатли йўл» спектакли ер юзида тинчликни барқарор қилиш, халқларга озодлик ва эркин ҳаёт ҳадя этиш, инсоният тараққиётининг нурли йўлларига соя ташлаётган империалистларга қарши беаёв курашга бағишланади. Асарда ўз озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Вьетнам ватанпарварларининг сўнмас жасорати, Америка империалистларининг босқинчилик сиёсати ва бу сиёсатнинг ҳалокатга маҳкумлиги акс эттирилади. Асарда рус онаси, вьетнамлик она, американалик она, шунингдек, курашчан ёшлар тимсолида ҳаётга интилиш, урушқоқ ёвузларнинг инсоният оддидаги жиноятини фош қилиш, тинчлик ва эзгуликнинг муқаррар ғалаба қилиши ғояси ҳаққоний тасвирланган.

Спектаклда СССР халқ артисти С. Эшонтўраева (американалик она), республика халқ артистлари З. Садриева (рус онаси), Т. Султонова (вьетнамлик она), Я. Абдуллаева (Ҳанъ) С. Табибуллаев (япон балиқчиси), Қ. Хўжаев (мистер Брайен), З. Муҳаммаджонов (Николай), республикада хизмат кўрсатган артистлар Т. Азизов (Жон), Е. Аҳмедов (Роберт), О. Юнусов (Дэвид) ва бошқалар ўз ролларининг моҳиятига чуқур тушунган ҳолда жозибали ва эсда қоларли образлар яратишган.

Янги спектакль юксак дидли томошабинларга, шубҳасиз манзур бўлажак.

А. ЮСУПОВ.

Суратларда: (ўнгда). Роберт—республикада хизмат кўрсатган артист Е. Аҳмедов; спектаклдан саҳна.

А. Тўраев фотолари.

НУР ЎҒРИСИ

ФЕЛЬЕТОН

Жон ўйноғи бўлиб қолдим, айлансинлар, жон ўйноғи! Нафсимнинг домига илиндим-у, дарди бедавога гирифтор бўлдим. Бир куни у шундай дегандай бўлди:

— Электрга ой сари фалон сўмдан тўлаб юрасанми?! Беҳзод кўча, 9- уйда турувчи Анна Матвеевна Костиковадан қаеринг кам? Қорасарой кўча 3-тупик, 17- уйда яшовчи Виктор Плешковдан-чи? Улардан ибрат олсанг бўлмайдими?

— Нима деяпсан ўзинг?

— Улар счётчикни таққа тўхтатиб, текин токдан бемалол фойдаланиб ётишибди. Сен бўлсанг ой сари пул тўлаганинг-тўлаган.

— Вой, шунақами? Шунча кундан буён қаерда эдинг, айлансин?

— Ўз билгинг билан иш қиларсан, деб индамай юрувдим. Бундоқ қарасам, Анна Кострикова билан Виктор Плешковдан ортда қоляпсан!

— Йўқ, ортда қолмайман, айлансин, ортда қолмайман. Улар сингари мен ҳам счётчикни таққа тўхтатиб қўяман, вассалом!

Нафсим кўрсатган кўчадан юриб, ой сайин электрга пул тўлашдан қутулдим. Ана шундай қилиб денг, айлансин, текинга чироқ ёқиб юрган эдим, бир қўшним:

— Ҳой, Зайнаб пошша, бу ишингиз яхши эмас, билиб қолишса шарманда бўласиз, — деса бўладими?

— Хўш, нега сиз жирилляйсиз? — бўш келмадим ман. Бо, айбимни ел учирсин, бўш келиб бўпман.

— Жирилдашганим йўқ, овсин, нурни ўғирлаш гуноҳ! — яна юзимга сапчиб қолди у.

— Ҳо, ўғирласам ҳукуматникини ўғирлабман, сизникини эмас!

У деса — у дедим, бу деса — бу дедим. Лўндасини айтсам, айлансин, бўш келмадим. Ҳалиги тили узун уйимдан чиқиб кетди-ю, мени ваҳима босди:

— Мабодо ушлаб қолишса-я! Унда нима бўлади?!

Ҳар куни кечқурун денг, айлансин, счётчикни юрмайдиган қилиб қўяман-у, тиқ этса эшикка қарайман.

— Ҳой, ким?!

Ҳайрият, ҳеч ким йўқ экан.

Шу пайт лип этиб чироқ ўчиб қолса бўладими? Ҳаммаёқ зим-зиё. Уй қурғур ютиб юборай дейди. Қани ёна қолса! Телевизорда яхши томоша бўлмоқчи эди. Шуни кўрмоқчийдим, айлансин. Иннайсигин дазмоллайдиган нарсаларим ҳам бор эди.

— Вой, тавба, монтёрлар қаёққа ғойиб бўлди экан-а, шунча хонадон қоронғида ўтирсин-у, улар айш қилиб юришсин! Эртага катталарига бориб бир чақмасамми! Додини бериб қўйишсин.

Ҳайрият чироқ ёниб қолди.

Шундай қилиб денг, текин чироқни ёқиб ҳузур қилиб юравердим. Юраверганим ҳам бор бўлсин, жон ўйноғим кундан-кунга зўраярди. Чумчуқ пир этса, юрагим дир этарди. Бир куни денг, айланай, ҳовлида шарпа кўрингандай бўлди. Қоронғи эмасми, кимлигини яхши пайқай олмадим. Симёғочдай қаққайиб турарди. Қўлида папкасиям борга ўхшайди. Ҳа, бу менга ўхшаганларни ушлайдиган комиссия бўлса керак! Аъзойи баданим музлаб кетди. Нафасим бўғзимга тиқилди. Нима қиларимни билмай аста эшикка чиқсам, ҳеч ким йўқ. Қўрққанга қўша кўринмай ўлсин.

Уйга кириб чўзилдим. Қани, уйқу кела қолса, Хаёл қурғур алла қаерларга етаклаб кетди. Уйимга бирдан участковой милиция кириб қолганмиш.

— Ҳа, қўлга тушаркансанку, Зайнаб бону! Энди штраф тўлайсан!

— Бир галча кечиринг, айлансин!

— Кечирмайман! Уятсиз! Нур ўғриси!

Ҳайрият, милица бор бўлгур хаёлимдан нарига кетди.

Бир куни, кел қўй, мана шу ишни қилмай қўя қолай, дедим-у, аммо нафсим қурғур яна орага тушди.

— Намунча қалтирайсан, Зайнаб, ҳали сани ушлаб олганларича йўқ-ку, ушлаб олишса, бир гап бўлар. Штраф олишади, жонингни олишмайди!

Бу гал ҳам нафсим ғолиб чиқди. Қаёқданам унинг сўзига яна кўнган эканман. Шу йил 18 январь куни таппа босиб қолишса бўладими? Вой-войлаб, роса ҳарҳаша қилдим. Барака топгур инспекторлар кошки кўнгиша қолса?!

— Нур ўғрисига шафқат йўқ! Энди жарима тўлайсан, жиноятчи! — дейишди улар.

Инспекторлар каттакон қоғозга акт тузиб кетишди. Ман бўлсам бир чеккада қотиб қолдим. Жон ўйноғим энди чинакамига тутган эди.

— Ҳой, нафс, балои нафс! Мани шарманда қилдинг-ку!

Шундай деярманми, айлансин, нафсим оч бўридек хуруж қилиб қолди:

— Қўлга тушиб, шарманда бўлган фақат сен эмас, Зайнаб! Виктор Плешков билан Анна Костикова ҳам тузоққа илинди!.

— Ҳайрият, — енгил тортгандай бўлдим, — ёлғиз эмас эканман.

Ана шундан буён счётчигим ғир-ғир айланиб турибди. Лекин ростини айтсам, айлансин, бирорта мухбир эшитиб қолиб: «Тошкент шаҳар, Кисловодск кўчаси, биринчи линия 19- уйда истиқомат қилувчи Зайнаб Исҳоқова нур ўғриси», — деб газетага ёзиб юборса-я! Унда нима бўлади?

Зайнаб Исҳоқованинг қиноясини оққа кўчирувчи изоҳи:

Виктор Плешков билан Анна Костикова Зайнабдан бошқачароқ чиқиб қолди. Улар қўлга тушганларидан кейин жўр бўлиб инспекторга ўшқиришди:

— Эй! Штраф қилиш у ёқда турсин, газетага фельетон қилмайсанларми! Биз анави Зайнабдака қўрқоқлардан эмасмиз! Электр энергиясидан ўғринча фойдаланишдан қўрқмаган, газетага чиқишдан қўрқармидик? Қайтага, элга танилиб қоламиз!

Дили, қўли эгри бўлган шахс беҳаё бўлади, деганлари шу экан-да!

Яна шуниси ҳам ачинарлики, баъзи ташкилотлар электр энергиясидан ноўрин фойдаланганлар. «Дўстлик» меҳмонхонаси ва унинг қошидаги ресторан, Киров район ошхоналар трестига қарашли 12- ошхона, «Спутник» кинотеатри, «Ташпромторг»нинг 98-магазини фикримизнинг далили бўла олади. Қўлга тушиб, шарманда бўлган мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари энди нима дейишаркин?

Усмон ЮСУПОВ.

ОБИ ҲАЁТ СТАНЦИЯСИ

АНДИЖОН. (ЎзТАГ). Катта Фарғона канали яқинида қурилаётган сув кўтариб берувчи оби ҳаёт насос станциясининг тўққизта агрегатидан биринчиси пойдеворига бетон ётқизиш тамомланди. Унинг барча агрегатлари беш қаватли бино баландлигига секундига 27 куб метр сув кўтариб бера олади. «Андижанирстрой» трестининг Андижон қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари пахтани омма вий суғориш бошлангунга қадар, Андижон, Ленин ва Москва районларидаги кўпгина колхозларнинг пахта майдонларига сув етказиб беришни яхшилаш мажбуриятини олдилар.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕКОБОД. 2-«Далварзин» совхозида бу йилги мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда. Айниқса маҳаллий ўғит тўплаш ва далага ташиб чиқаришга катта эътибор бериляпти. Совхознинг биргина иккинчи бўлимида ҳар куни 50-70 тоннадан ўғит жамғарилиб, далага чиқарилмоқда. Бу ишда механизаторлардан Ж. Султонов, М. Акбаралиев, М. Оқиловлар ибрат кўрсатишаётир.

Т. УСМОНОВ.

* * *

ҒИЖДУВОН «Ленинизм» колхозининг пахтакорлари Бухоро шароитида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган шўр ювишга катта эътибор бермоқдалар. Бу агротехника тадбири агроном С. Қурбонов раҳбарлигида амалга оширилаётир. Шўр ювиш Ҳ. Аҳмедов, Ҳ. Шодмонов каби уста сувчиларга топширилган. Колхозда ҳосилдорликни ошириш гарови бўлган маҳаллий ўғит тайёрлаш ва ерга солиш ҳам қизғин давом этаётир.

С. ДАВРОНОВ.

* * *

ШОФИРКОН. Карл Маркс номли колхоз аъзолари бу йил 1170 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашмоқда. Шу кунларда далаларда иш қизғин. Янги ерларни ўзлаштириш, пахта майдонларининг шўрини ювиш, техникани ремонт қилиш жадал давом этмоқда. Кўклам экишига тайёргарлик, айниқса, Ленин орденли Рамазон Умаров, Расул Авезов, Ибоҳим Пиров, Авезмурод Саидмурадовлар бошлиқ бригадаларда намунали йўлга қўйилган.

И. ЗАРИПОВ,
И. ИСМОИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзолари.

ЮКСАК САВИЯДА

Марксча-ленинча ўқиш системасида бошланган партия ўқуви В. И. Ленин юбилейининг давоми ва КПСС XXIV съезди йили бўлаётир. Районимизда партия аъзоларини марксча-ленинча чиниқтириш, кадрларни ғоявий-назарий жиҳатдан тайёрлаш тўғрисида КПСС ҲХIII съезди томонидан қўйилган вазифалар қунт билан амалга оширилмоқда. Бу ишда район партия ташкилоти раҳбарлик ва ташкилотчилик қилаётир.

Ҳозирги вақтда районимизда 62 жойда сиёсий мактаб ва ўнлаб назарий семинарлар ташкил қилинган. Уларда коммунист, комсомол ва партиясиз активлар сиёсий билим олишмоқда.

Район партия комитети пропагандистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига жиддий эътибор берди ва бераётир. Район партия комитети қошида пропагандистларнинг доимий ҳаракатдаги семинари ишлаб турибди. Уларда ўттиздан ошиқ пропагандист шуғулланмоқда.

Партия ташкилотлари қошида ўқув машғулотларининг юксак савияда олиб борилишини таъминлаш мақсадида 8 жойда жамоатчилик йўли билан ишлайдиган сиёсий маориф кабинетлари ва унинг методик советларини ташкил этганмиз.

Улар пропагандистларга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Район партия комитети сиёсий маориф кабинети методика совети ҳам пропагандистларимизга методик ёрдам бериб турибди. Сиёсий маориф кабинети методика советида пропагандистларнинг дарслари тез-тез муҳокама қилиб турилади. Ўтган ўқув йилида район партия комитети сиёсий маориф кабинетида 7 марта очиқ машғулот ва тингловчилар конференцияси магнитофон лентасига ёзиб олинди. Бу йил ҳам ана шундай қилаётирмиз.

Пропагандистларимиз ҳар бир машғулотни ҳаёт билан боғлаб ўтказадилар, бу эса ўз навбатида тингловчилар фаолиятини оширмоқда. «Қизил юлдуз» колхозида ташкил этилган марксизм-ленинизм асослари мактабининг пропагандисти Турди Назаровнинг иши диққатга сазовордир. Бу ерда 17 КПСС аъзоси марксча-ленинча революцион таълимотни ўрганмоқда. Т. Назаров ҳар бир машғулотни хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлайди, тингловчиларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширади. Шу мактаб тингловчилари Амир Хушмонов, Тўйли Ҳайдаров бошлиқ бригадалар коллективлари ўтган йили гектаридан 46 центнердан ошириб «оқ олтин» хирмони кўтарган эдилар, бу йил эса уларнинг мақсади ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказиш. Марксизм-ленинизм асослари мактабининг тингловчиларидан 7 киши агитатор, 6 киши сиёсий ташкилотчи сифатида меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳам олиб бормоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Йигирмадан ортиқ пропагандистларимиз самарали меҳнатлари учун район ва область партия комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Район партия комитети асосий эътиборни марксизм-ленинизмнинг таркибий қисмларини атрофлича ўрганишга, ҳар бир коммунистнинг ғоявий-назарий чиниқиш истиқболларига қаратганмиз. Партия ўқувининг самарадорлигини ошириш, коммунистик қурилишнинг ҳозирги талабларига мувофиқ партия тарихини, назариясини, партия иқтисодий сиёсатининг назарий масалаларини чуқур ўрганишда барча имкониятлардан фойдаланамиз. Сиёсий ўқувнинг янада юксак савияда бўлишини таъминлаймиз.

У. ҲАМРОЕВ.
Чироқчи район партия комитетининг секретари.

Олмалиқ химия заводининг лаборанти Наталия Алексеева ўз зиммасидаги топшириқларни доимо сидқидилдан адо этмоқда. Суратда: ўртоқ Н. Алексеева иш устида.

А. Тўраев фотоси.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК

Самарканддаги 2-«Жомбой» чўчқачилик совхозида ўтган йили бир центнер чўчқа гўштининг таннархи пландагидан икки сўм камайтирилди. Бунга сермеҳнат ишларни механизациялаш туфайли эришилди. Бу ерда бир сменада юз центнергача омухта ем ва чўчқа болаларига ичириладиган сунъий сут кўплаб тайёрланмоқда. Фермаларда 11 та электр иситиш установкаси ишлаб турибди, яна иккита иссиқлик генератори монтаж қилинмоқда.

Бу ёш ихтисослаштирилган хўжалик Зарафшоннинг серҳосил сувлоқ ерларида жойлашган. Ферма ёнидаги участкаларда ем-хашакбоп экинлар ўстирилмоқда. Совхозда чўчқа гўшти етиштириш кўпаймоқда. Хозир бу совхоз фермалари саккиз минг центнерга яқин гўшт бермоқда. Совхоз кейинчалик йилига ўн мынг центнер гўшт етиштира олади. Чўчқалар сони 14 мингдан 25 минг бошга кўпаяди.

(ЎзТАГ).

Шўрлиқ мамлакатларда

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

СЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БРАТИСЛАВА, (ТАСС). 9 февралда Словакия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Чехословакия Компартияси Марказий Комитети билан Словакия Компартияси Марказий Комитетининг декабрь пленумлари хулосаларини амалга ошириш ҳақида ва Словакия Компартиясининг навбатдаги съездини чақириш тўғрисидаги масала юзасидан Словакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Ленарт доклад қилди. У декабрь пленумларидан кейин партияда ва жамиятда тараққиёт процессларини анализ қилиб берди, сиёсатда ва экономикада юз берган ижобий моментларни уқтириб ўтди.

Докладчи республикада ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари якунларини айтиб ўтди. Шу йиғилишларнинг иштироқчилари декабрь пленуми қарорларини якдиллик билан маъқулладилар, шу қарорларни амалга оширишга актив кўмаклашишга қатъий қарор берганликларини намойиш қилдилар.

Я. Ленарт Словакия Компартияси Марказий Комитети номидан Словакия Компартияси съездини 1971 йил 13 майда чақиришни таклиф этди. У Словакия Компартияси ва Чехословакия Компартияси съездлари партия тузилганлигининг 50 йиллиги байрам қилинадиган шонли кунларда ўтади, деб таъкидлади.

Пленум Словакия Коммунистик партиясининг съездини 1971 йил 13 майда чақиришга қарор қилди.

АГРЕССОРЛАРГА ЗАРБА БЕРИЛМОҚДА

◆ ХАНОЙ. Лаоснинг ватанпарвар кучлари мана шу бетараф давлат территориясига сурбетлик билан бостириб кирган Америка — Сайгон интервенциячиларига кескин зарба бермоқдалар. Улар агрессорларни шиддатли ўт очиб кутиб олмоқдалар. Жанубий Вьетнамдан олинаётган хабарларга қараганда. Лаос халқ озодлик армиясининг жангчилари Саваннакет вилоятида Американинг 6 та вертолётини уриб туширганлар.

◆ НЬЮ-ЙОРК, Америка информацион агентликларининг хабарларидан маълум бўлишича, Лаосга бостириб кирган Сайгон қўшинларининг асосий колоннаси 9-рақамли тош йўл бўйлаб Жанубий Вьетнам чегарасининг 40 километр жанубидаги Тчепон шаҳри томон ҳаракат қилмоқда. Американинг бир тўда ҳарбий самолётлари, шу жумладан оғир бомбардимончи «В-52» самолётлари Сайгон қўғирчоқ режимининг қўшинларига бевосита жанговар мадад бериб турибди.

Интервенциячиларга Жанубий Вьетнамдан мадад келтириладаётган, қурол-яроғ ва ҳарбий материаллар ташиб келтирилаётган таъминот йўлини узиб қўйиш мақсадида Лаос халқ озодлик армиясининг қисмлари душман кўшинлари ва техникасига зарба бермоқдалар. Америка — Сайгон ҳарбий қонвой қисмлари 9-рақамли тош йўлда Кхесаннинг 22 километр ғарби-шимолида ватанпарварлар қўйган пистирмага дуч келиб қолди ва ўққа тутилди. Агрессорларнинг кўпгина солдати яксон қилинди.

(ТАСС).



ЧССР. Кладнодаги Конев номли металлургия заводида Чехословакия Компартиясининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа авж олиб кетди. Айниқса пўлат қуювчи Станислав Беранек бошлиқ бригада катта муваффақиятларга эришди. Илгор металлурглар пландан ташқари 1000 тонна пўлат қуйишди. Улар йил охиригача планга қўшимча равишда яна 1000 тонна юқори сифатли пўлат бериш мажбуриятини олишди. Суратда: шу бригада аъзолари машинист Ян Луск, пўлат қуювчилар Ярослав Беранек ва Станислав Беранеклар.

В. Соболев фотоси. (ТАСС).

«АПОЛЛОН-14»НИНГ ПАРВОЗИ ТУГАДИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). «Аполлон-14» космик кемаси Ойдан Ерга қайтиш траекторияси бўйлаб учишни давом эттирмоқда.

9 февраль эрта тонгда, кема ердан 190 минг километр масофада учиб келаётган вақтда космонавтлар билан телевизион матбуот конференцияси ўтказилди. 25 минут давом этган шу матбуот конференциясида экипаж аъзолари ва «Аполлон-14» командири А. Шепард Ойга учиш, қўнишнинг ва Ой бетига чиқишнинг баъзи бир тафсилотларини айтиб беришди. А. Шепарднинг гапига қараганда, ой кабинаси қўнган вақтда Ой чанги 30—45 метр тўзиган бўлса ҳам лекин теварак атрофни кузатишга халақит бермаган.

Шепард Коун кратерига чиқиш тўғрисида гапириб, жойнинг жуда ўнқир-чўнқирлиги сабабли юриш қийин бўлди, деди. Космонавтлар йўлида эни 3-4 метр ва ҳатто 6 метр келадиган катта-катта тошлар учраган. 100-150 метр йўлнигина кўриш мумкин бўлган. Улар Ой бетидаги тепаликлар орқасида ширинниб қолган ориентир мўлжалларни зўр-базўр таниганлар. Шепард билан Митчелл кратер четига етиб бора олмаганлар, уларнинг гапига қараганда, бундай қилиш учун вақт етмаган. Лекин улар кратердаги жинслардан зарур намуналарни терб олишга муваффақ бўлганлар.

Космонавтларнинг Ой юзидаги ҳаракатлари программасини тузиб берган олимлар Коун кратери ён бағридаги жойларнинг жуда ўнқир-чўнқирлигини билмасдан космонавтларнинг имкониятларини ҳаддан ташқари оптимистик баҳолаганликларини айтдилар.

НЬЮ-ЙОРК, 10 февраль. (ТАСС). Америка космик кемаси «Аполлон-14»нинг парвози тугалланди. Бугун Москва вақти билан 00 соат, 0,5 минутда ичида космонавтлардан А. Шепард, Э. Митчелл ва Су Руса бўлган капсула Тинч океанда Самоа ороллaридан тахминан бир ярим минг километр жанубда сувга қўнди.

Шу районда турган вертолёт ташувчи «Нью Орлеан» кемаси космонавтларни ўз бортига олди. Уларнинг кайфияти яхши.

Космонавтлар сувга қўнгандан кейин карантиндан ўтадилар. Кема бортидан улар Самоага, шундан кейин Техас штатидаги Хьюстон шаҳрига келадилар.

Ж. ПОМПИДУНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БАМАКО. (ТАСС). Абиджандан олинган хабарларга кўра, Фил Суяги Соҳили республикасида расмий визит билан меҳмон бўлиб турган Франция президенти Жорж Помпиду Американинг Лаосга қилган интервенциясини қоралади. Франция президенти Абиджанда ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, Лаосдаги воқеалар хусусида таассуф қиламан, деди.

Ҳинди-Хитойдаги проблемаларни уруш йўли билан эмас, балки сиёсий музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишга эришиш лозим, деди у. У ана шу райондаги ҳамма чет эл қўшинлари олиб чиқиб кетилиши, ажнабийлар интервенцияси тўхтатилиши ва халқларнинг мустақилликка бўлган ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши керaклигини айтди.

БРЮССЕЛДА ЯНА ИХТИЛОФЛАР

Британия шери ўз цилиндрини баланд кўтарганича пажмаси билан «Умумий бозор» деб ёзиб қўйилган баҳайбат эшикни тақиллатиб турибди. Мана шундай карикатура қарийб ўн йилдан буён Ғарбий Европадаги газеталарнинг саҳифаларидан тушмай келади. Брюсселда Англияни Ғарбий Европа мамлакатларининг ана шу тор доирадаги иқтисодий гурухига, «Умумий бозор» деб ҳам аталган гуруҳга қабул қилиш шартлари тўғрисида шу ҳафта ичида Европа иқтисодий бирлашмасида аъзо бўлмиш мамлакатлар билан Англия ўртасида яна музокаралар бўлиб ўтди.

Йирик капиталнинг ҳоҳишини ифода этаётган ва Англиянинг «Европалаштирилиши» Ғарбий Европа сиёсий тақдирини белгилашда актив роль ўйнаши учун имконият яратиб беришини кўзда тутган Хит бошлиқ консерваторлар ҳукумати Европа иқтисодий бирлашмасининг Англияни бирлашмага қўшиш учун беш йиллик «ўткинчи давр» белгилаш тўғрисидаги талабига рози бўлди. Аммо Лондон бунга рози бўлгани ҳолда «олти мамлакат» Англиянинг «Умумий бозор» бюджетига берадиган бадал миқдорини камайтирсин, деб талаб қилди. Брюсселдаги музокараларда кескин ихтилофлар рўй берди ва бу музокаралар сезиларли амалий натижалар бермай тамом бўлди. Англияни Европа иқтисодий бирлашмасига қабул қилиш шартлари тўғрисидаги музокаралар март ойида давом эттирилади.

Лондоннинг расмий доиралари Брюссель музокараларининг якунларидан мамнун бўлмадилар. Бу табиий бир ҳол эди. Аммо бу якунлар оддий инглизларни сира ҳам хафа қилмади. Бунга ажабланиб ҳам бўлмайди: Европа иқтисодий бирлашмасининг қишлоқ хўжалик системасига кўчиш Англиянинг Британия миллатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан савдо-сотиғини муқаррар йиғиштириб қўйишга олиб боради, бу эса озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси нархларининг кескин суратда кўтарилишига сабаб бўлади. Ғарбдаги экономистларнинг фикрича, Англия Европа иқтисодий бирлашмасига қабул қилинган тақдирда мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 18-26 процент ошиб кетади. Бошқа сўзлар билан айтганда, Англиянинг «Умумий бозор»га кириши Британия монополиялари учун фойда келтирса, инглиз меҳнаткашларини яна оғир машаққатларга дучор қилади.

Англиянинг кенг жамоатчилиги консерваторларнинг Англияни Европа иқтисодий бирлашмасига киритиш йўлидаги уринишлари Европанинг ажралиб кетишини кучайтириш йўлидаги қадам деб ҳисоблаш учун тўла асос бор, деб таъкидламоқда. Қитъадаги бошқа ҳамма халқлар каби инглиз халқи ҳам тор доирадаги сиёсий-иқтисодий блокларни вужудга келтириш ва мустаҳкамлашдан эмас, балки Умумевропа хавфсизлигини таъминлаш, барча мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришдан астойдил манфаатдордир.

Лондоннинг Европа иқтисодий бирлашмасига кириш йўлидаги уринишлари пировардида нима билан тамом бўлишини айтиш қийин. Лекин бир нарса тамомила равшандир: Бундай уринишлар инглиз халқининг орзу-тилакларига тамомила зиддир.

Ю. КОРНИЛОВ.
(ТАСС).

КАЛИФОРНИЯДА ЗИЛЗИЛА

НЬЮ-ЙОРК, 10 февраль. (ТАСС). Кеча Калифорнияда кучли зилзила бўлди. Кейинги 38 йил ичида бунчалик ҳалокатли зилзила бўлганлиги маълум эмас.

Кейинги хабарларга қараганда, камида 34 киши халок бўлган, 1 мингга яқин киши жароҳатланган. Лос-Анжелес ва унинг атрофидаги жойларда 140 минг киши бош панасиз қолди. Зилзила етказган зарар миллион долларлаб ҳисобланмоқда. Марказий Лос-Анжелеснинг 40 миля ғарби-шимолида бўлган бу 6,5 балли зилзиланинг кучи Фресно-дан (Лос-Анжелеснинг 200 миля шимолида) то Мексикагача бўлган 300 миляли масофада сезилиб турди.

Президент Никсон Калифорнияни офатли район деб эълон қилди.

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ VIII ПЛЕНУМИДА

Э. ГЕРЕК НУТҚИ

ВАРШАВА, 9 февраль. (ТАСС). ПАП агентлиги хабар беради: Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг пленумида 7 февралда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Эдвард Герек нутқ сўзлади.

Марказий Комитетнинг саккизинчи пленуми, деди Э. Герек, партиямиз ҳаётида, мамлакат тараққиётида муҳим даврни очиб беради.

Бизнинг олдимизда жуда катта аҳамиятга эга бўлган кўпгина проблемалар турибди. Бу проблемалар албатта ҳал қилиниши керак, аммо биз бу проблемаларни қийин шароитда ҳал қилишга киришмоқдамиз. Одамлар, уларнинг ватанпарварлиги, фидокорлиги ва лаёқати партия билан ватан ихтиёридаги асосий резервдир. Халқимизнинг қудратли конструктив кучи, жуда катта яратувчилик кучи бор. Биз бугун мана шу кучларга — ишчилар синфига, деҳқонларга ва зиёлиларга мурожаат қилаётирмиз.

1970 йилнинг 20 декабрида Марказий Комитетнинг еттинчи пленумида биз муҳим сиёсий ўзгаришлар қилдик. Биз мамлакат ва социализм ишининг тақдири учун жуда катта масъулиятни зиммамизга олиб, мана шу ўзгаришларни қийин вазиятда амалга оширдик.

Еттинчи пленумнинг қарорлари ҳамма жойда маъқулланиб кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Аввало ишчилар синфи бу қарорларни қўллаб-қувватлаганлиги ўша вақтда биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди ва бундан буён ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Э. Герек декабрь воқеаларининг моҳиятини очиб бераркан, шуни айтдики, бу танглик бир қанча йиллар мобайнида кучайиб борди ва унинг чуқур сабаблари бор. Бу сабабларнинг энг каттаси шўҳ, партия раҳбарлиги билан ишчилар синфи ва меҳнаткашларнинг бошқа табақалари ўртасида бизнинг тузумимиз шароитида зарур бўлган боғланиш бўшашиб кетган эди ва ниҳоят анчагина бузилган эди.

Э. Герек Польша Халқ Республикаси экономикасини ривожлантиришга тўсиқ бўлиб келган баъзи хатоларга ҳамда партия раҳбарлиги фаолиятидаги камчиликларга тўхталиб ўтди. Шу билан бирга у айтдики, халқимизнинг — ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг муваффақиятларини, партия сиёсатининг кейинги йилларда эришган натижаларини камайтириб кўрсатиш нотўғри бўлибгина қолмасдан, ҳатто зарарли ҳам бўлур эди. Биз бу ютуқ ва натижаларга шак келтиришга йўл қўймаймиз, чунки буларга шак келтириш халқ меҳнатининг натижаларига ва халқнинг фидокорлигига, социалистик Польшани ривожлантирмоқ учун олиб борилаётган курашда партия куч ва ғайратининг натижаларига шак келтириш бўлур эди.

Партия V съездида тўғри қарорлар қабул қилинган эди. Бу қарорлар мамлакат экономикасини модернизация қилиш йўлини тутиш зарурлигини, мафкуравий ҳаётни ривожлантириш зарурлигини, кадрлар сиёсатини тўғри мезонлар негизига қуриш зарурлигини ва бошқа тўғри мақсадларни уқтириб ўтган эди. Бироқ съезд қарорлари амалга оширилмади.

Ўтган йиллардаги аҳволга тўлиқ, атрофлича баҳо бериш, илгариги раҳбарликнинг сиёсатига баҳо бериш учун ҳозирча имконият йўқ, деб давом этди Э. Герек. Бунинг учун анчагина вақт ўтиши керак. Аввало ўртоқ Владислав Гомулканинг ролига баҳо бериш шуни тақозо қилади. Бу баҳо ҳаққоний баҳо бўлиши лозим. Яқин ўтмишдаги воқеалар, алам ва ҳозирги қийинчиликлар заҳрининг таъсири ҳали биздан кетмаган бир вақтда бундай баҳо бериш жуда қийин. Биз унинг партия ва давлат олдидаги шахсий хизматларини асло камситмай туриб, шу нарсани қайд қилишга мажбурмизки, 60-йилларнинг ўрталарида бўлса керак, партия IV съездидан кейин партия ва ҳукумат раҳбарлигида танглик бошланганлиги, афсуски, тобора кўпроқ сезилаверди.

Яқин ўтмишдаги воқеаларга берилган баҳо кескин бўлишига қарамай, бу воқеаларнинг барча сабаблари ва манбалари фақат ва нуқул партиянинг тўғри сиёсий йўлидан, партия фаолиятининг ленинча нормаларидан чекинишдан иборат бўлди. Партия раҳбарлигида Польшада социализм қуришнинг бош йўлига халқимиз тақдирининг тарихий истиқболи нуқтаи назаридан баҳо берганимизда, бу бош йўл тўғри ва ўзгармас йўл бўлиб қолаберади.

Миллий ва социал озодлик учун курашнинг бирдан-бир тўғри йўлини, Советлар мамлакати билан иттифоқ бўлиш йўлини фақат бизнинг партиямиз кўрсатиб бериб, поляк халқини иккинчи жаҳон урушнинг гирдобидан олиб чиқди, халқимизнинг минг йиллик тарихидаги энг оғир даврдан олиб чиқди.

Бизнинг олдимизда ҳозирги вақтда турган барча вазифаларнинг энг муҳими ва энг кечиктириб бўлмайдигани шуки, деди Э. Герек, — биз ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, меҳнат унумдорлигини оширишни ва шу асосда меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашни, социал аҳволни яхшилашни таъминлашимиз лозим.

Бундан буёнги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг стратегиясини ишлаб чиқиш ғоят муҳим масала бўлиб турибди, деди нотиқ, фақат ҳозирги беш йиллик давр учунгина эмас, шу билан бирга бутун ўн йиллик давр учун ҳам мўлжалланган асосий ижтимоий ва иқтисодий мақсадларни тайинлаб қўйишимиз ва бунинг учун мана шундай стратегияни белгилаб олишимиз лозим.

Биз, деди Герек, узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни қабул қилаберамиз ва Совет Иттифоқи ҳамда бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, бу вазифаларни амалга ошираберамиз, албатта.

Биз — социалистик ҳамдўстликнинг бир қисмимиз.

Партиямиз барча асосий масалаларда тўғри тащқи сиёсатни давом эттирмоқда. Социалистик давлатларнинг ҳамда бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг позицияларини ва бирлигини мустаҳкамлаш учун курашнинг, бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун қурашнинг барча асосий проблемаларини ҳал этишда бизнинг партиямиз КПСС билан ва бошқа қардош партиялар билан ҳамкорлик қилиб келди.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқи билан дўстлик, иттифоқ ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома янгиланди. Бу шартнома Польшанинг мустақиллиги, хавфсизлиги ва ривожланиши учун негиз бўлган шартномадир. Бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан тузилган шартномалар ҳам янгиланди. Биз Польша — Германия муносабатларининг минг йиллик тарихида бурилиш ясайдиган шартнома, яъни Германия Демократик Республикаси билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида икки мамлакат ўртасида иттифоқдошлик шартномаси туздик.

Сўнгра Э. Герек Совет — Ғарбий Германия шартномаси ва Польша Халқ Республикаси — Германия Федератив Республикаси шартномаси тузилганлигининг аҳамиятини уқтириб ўтди.

VII пленумдан бери ўтган вақт ичида, деб давом қилди Э. Герек, биз қўшниларимиз бўлган Совет Иттифоқига, Германия Демократик Республикасига, Чехословакияга қисқа муддатли дўстлик визитлари билан бориб келдик. Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ва секретариатининг аъзолари бошқа қардош партиялар ҳузурига ҳам бориб келишди. Олиб борилган музокараларда аҳволимизни ва ҳозирги фаолиятимизни тўла равишда тушунтиришга муваффақ бўлдик.

Аввало бизнинг синалган совет дўстларимиз бизга катта ва қимматли ёрдам бериб туришибди. Совет раҳбарлари билан олиб борган музокараларимиз энг муҳим проблемаларнинг ҳаммасига қарашда оramизда тўла бирлик мавжудлигини кўрсатди.

Польша Халқ Республикаси қардош социалистик мамлакатлар билан мафкуравий, сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни тинмай мустаҳкамлайбериш учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўраберади.

Биз Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши доирасида қилинаётган ҳар томонлама ҳамкорликни биргаликда ривожлантираберамиз, бу ҳамкорликни мустаҳкам интеграция алоқаларга тариқасида олиб боришга тобора кўпроқ аҳамият берамиз.

Халқ Польшаси социалистик давлатларнинг мудофаа иттифоқига — Варшава Шартномасига катта ҳисса қўшмоқда. Польша қўшини қудратли потенциалга, ажойиб кадрларга, ниҳоят даражада ватанпарвар солдатларга эга. Мудофаа соҳасидаги эҳтиёжларимизни ҳар доим чуқур англаб, Совет Армияси ва Варшава Шартномасига аъзо бўлган бошқа давлатларнинг армиялари билан қуролдошлик ва қардошлик алоқаларини кучайтираётган ғоявий, замонавий ва интизомли халқ қуролли кучларимизни мустаҳкамлашга бундан буён ҳам катта аҳамият берамиз.

Бизнинг партиямиз тараққиёт, ижтимоий адолат, халқлар эркинлиги ва тинчлик учун курашда инсониятнинг авангарди бўлган халқаро коммунистик ҳаракатнинг бир қисмидир. Биз бошқа марксчи-ленинчи партиялар билан интернационал муносабатларни ривожлантираверамиз, ҳаракатимиз бирлигини мустаҳкамлаш учун курашаверамиз, бу йўлда тинмай ишлаймиз.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўз нутқининг анчагина қисмини партия ичи демократиясини ривожлантириш, партиянинг раҳбарлик ролини мустаҳкамлаш масалаларига бағишлади.

Биз, деди пировардида Э. Герек, танлаб олган йўлимизнинг тўғри йўл эканлигига ишонамиз. Бизнинг йўлимиз социализмдан ўнга ҳам, сўлга ҳам бурилмайди. Бизнинг йўлимиз меҳнаткаш халқнинг турмуш шароитини яхшилашга, экономикани тезроқ юксалтиришга, социалистик давлатимизни, унинг ички кучини ва халқаро позициясини мустаҳкамлашга қаратилган йўлдир. Биз бутун партияни, унинг фикри ва ишларини шу вазифалар теварагида бирлаштирамиз.

Ҳар бир поляк сиёсий тафаккурининг ўзгармас негизи бўлиб қолган ҳақиқатлар бор. Польша Совет Иттифоқи билан, қўшниларимиз ва иттифоқчиларимиз билан чамбарчас боғланган социалистик давлат тарикасидагина ривожланиши мумкин. Бу — биринчи ҳақиқат. Бизнинг партиямиз поляк халқининг тарихан синалган раҳбар кучи, халқни тарихимиздаги энг оғир синовлардан олиб ўтган, халқимизни қайта тирилтирган ва уни ижтимоий ривожланишнинг янги йўлидан олиб борган куч бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Бу — иккинчи ҳақиқат. Бизнинг партиямиз тараққиёт, ижтимоий адолат, халқлар эркинлиги ва тинчлик учун курашда инсониятнинг авангарди бўлган халқаро коммунистик ҳаракатнинг бир қисмидир. Биз бошқа марксчи-ленинчи партиялар билан интернационал муносабатларни ривожлантираверамиз, ҳаракатимиз бирлигини мустаҳкамлаш учун курашаверамиз, бу йўлда тинмай ишлаймиз.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўз нутқининг анчагина қисмини партия ичи демократиясини ривожлантириш, партиянинг раҳбарлик ролини мустаҳкамлаш масалаларига бағишлади.

Биз, деди пировардида Э. Герек, танлаб олган йўлимизнинг тўғри йўл эканлигига ишонамиз. Бизнинг йўлимиз социализмдан ўнга ҳам, сўлга ҳам бурилмайди. Бизнинг йўлимиз меҳнаткаш халқнинг турмуш шароитини яхшилашга, экономикани тезроқ юксалтиришга, социалистик давлатимизни, унинг ички кучини ва халқаро позициясини мустаҳкамлашга қаратилган йўлдир. Биз бутун партияни, унинг фикри ва ишларини шу вазифалар теварагида бирлаштирамиз.

Ҳар бир поляк сиёсий тафаккурининг ўзгармас негизи бўлиб қолган ҳақиқатлар бор. Польша Совет Иттифоқи билан, қўшниларимиз ва иттифоқчиларимиз билан чамбарчас боғланган социалистик давлат тарикасидагина ривожланиши мумкин. Бу — биринчи ҳақиқат. Бизнинг партиямиз поляк халқининг тарихан синалган раҳбар кучи, халқни тарихимиздаги энг оғир синовлардан олиб ўтган, халқимизни қайта тирилтирган ва уни ижтимоий ривожланишнинг янги йўлидан олиб борган куч бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Бу — иккинчи ҳақиқат. Мамлакат тақдири учун, мамлакатнинг бугунги куни ва келажаги учун партиямиз зиммасида турган масъулият менга Сиёсий бюро номидан, бу ерда тўпланганларнинг ҳаммаси номидан қатъий ва тўла ишонч билан шуни айтиш мажбуриятини юклайдики, мана шу асосий ҳақиқатларни, халқимизнинг кўп йиллик сиёсий тажрибаси таъкидлаб турган ҳақиқатларни қандай бўлса-да менсимаслик Польша учун зарарли ва халокатли бўлур эди.

ДАСТЛАБКИ ЮТУҚ

СПОРТ ОЛАМИДА

Воронеж шаҳрида волейбол бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари бўлди. Биринчи тур ўйинларида Тошкентдаги «Автомобилчи» командасининг қўли баланд келди. Волейболчиларимиз рақиблари билан бўлган етти учрашувнинг ҳар бирида ғолиб келдилар.

Узбекистонда хизмат кўрсатган тренер А. Израиловнинг шогирдлари «қийин» командалар ҳисобланган Душанбанинг «Тожикистон», Тбилисининг «Буревестник» ҳамда Свердловскнинг «Уралочка» волейболчилари билан курашларда устун келдилар.

Мусобақанинг иккинчи тури 16 февраль куни Тошкентда бўлади. Командамиз бу сафар ригалик аврорачилар, Таллиннинг «Калева», Вильнюснинг «Электронас» ва минсълик спартакчилар билан куч синашади. Агар автомобилчиларимиз ўз майдонларида ҳам яхши ютуқларга эришсалар. финалда иштирок этадилар ва «А» классига ўтишлари учун имконият яратилади.

ТОШКЕНТЛИК — ИККИНЧИ ЎРИНДА

«Спартак» кўнгилли спорт жамияти марказий Советининг юз катакли шашка бўйича ёшлар ўртасида ўтказган чемпионати ниҳоясига етди. Донецк шаҳрида ўтган бу мусобақада республикамиздан «Спартак» жамияти аъзоси, Узбекистон чемпиони Е. Пифлакс қатнашди. Спортимиз шарафини ҳимоя қилган Тошкентдаги 51- ўрта мактаб ўқувчиси, моҳир шашкачи ўз рақиблари билан курашда ҳеч чекинмай, мағлубиятсиз ўйнади ва тўпланган очколар ҳисоби бўйича шарафли иккинчи ўринни олди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА кундузги кўрсатувлари. 13.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — «АХБОРОТ». 18.45 — «Ташаббус қўллаб-қувватланди». **Ўзбек тилида:** 19.05 — «Меҳнат ва турмуш» журнали саҳифаларида, 19.50 — «АХБОРОТ», 20.00 — **Телетеатр:** «ВОЛОДЯ УЛЬЯНОВ» (3-қисм). 20.45 — **«Қизил қум»** (бадиий фильм). 22.00 — Ўзбекистон областлари фестивали. ХОРАЗМ области.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — МОСКВА. 20.05 — Янгиликлар. 20.15 — Актуал камера. 21.00 — Янгиликлар. 21.05 — Тележурнал. 21.30 — Миллионлар ленинча университети. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Хоккей:** «ДИНАМО» — СКА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Кинофильм. 20.40 — Фильм-концерт. 21.10 — Телефильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/II да **Дилором.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/II да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/II да **Фарғона тонг отгунча,** 12/II да **Менинг жаннатим.**

КИНО

Чемпион — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 6 да).

Биримиз — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК».

Икки океан сири (2 серия кундуз соат 2, кеч 8 да). **Хотинининг номуси** — (ўзбек тилида кундуз соат 4.40 минутда) — НАВОИЙ номли.

Севги нафосати — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Директор — «ЧАЙКА» (кеч соат 8 да).

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Анестезиология ва реаниматология кафедра мудири (медицина фанлари доктори, профессор).

Дермато-венерология кафедрасига ассистентлар.

Ҳужжатларни юбориш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-7, генерал Петров кўчаси, 51-уй).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИГА

етакчи инженер-конструкторлар, 1-категорияли инженер-конструкторлар, 2-категорияли инженер-конструкторлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент область Оржоникидзе район «Улуғбек» посёлкаси (134-автобус, «Баҳор» ресторани бекатидан «Улуғбек» посёлкасигача).

«СПЕЦЭЛЕВАТОРМЕЛЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МОНТАЖ-СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИГА

Қўқон, Оҳангарон ва Жиззах шаҳарларида ишлаш учун

Монтажчи-слесарлар, 3-6-разрядли электромонтажчилар, катта инженерлар, элеваторлар автоматикаси ва электр ускуналарини созлаш бўйича созловчи инженер-техниклар

КЕРАК

Монтаж учун ойлиққа қўшимча 50 процент ҳақ тўланади ва 15 процент квартира ҳамда минтақа коэффициент берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-74, Рисовая кўчаси ,168-«А» уй.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти коллективи нашриёт директорининг ўринбосари Л. И. Добринскийга онаси

Агафья Дмитриевна ДОБРИНСКАЯнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия ҳурмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332247. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Карши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 23—27. Урганч — 34—55. Фарғона — 4—29—41. Гулистон — 22-09.

№ А. — 35. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 01216.